



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини курилиш бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холикназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 10 июндаги 265-сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентинининг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарори асосан, Фарғона тумани “Хонқиз” кичик саноат зonasини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қўйдаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик суви бўйича:

Фарғона тумани Хонқиз МФЙ худудидаги кичик саноат зonasини ичимлик сув билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси**: Хонқиз МФЙ кичик саноат зонаси худудига 1 дона ичимлик сув қудуғи қазиш, 1 дона замонавий электр тежамкор (Wilo) сув насоси ўрнатиш, 1 дона ТП ўрнатиш ва икки томонлама электр линия тортиш, замонавий сув ва электр хисоблагичлар ўрнатиш, 1 дона сув минораси ўрнатиш, UZSUVTAMINOT логотипини бўяш ва автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (поплавок) ўрнатиш, ичимлик сувини заарсизлантириш биноси қуриш ва унга мос ускуналар билан жихозлаш, 1 дона маъмурий оператор-машинистлар биноси қуриш, иншоот химоя худудини ўраш ҳамда лойиха асосида 1,0 км ичимлик сув қувури замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида ШНҚ, ҚМҚ талабларига хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равища бажарилиши таълаб этилади.

Оқава сув бўйича:

Фарғона тумани **Хонқиз МФЙ** кичик саноат зonasини оқава сув тизимиغا **уланиш нуқтаси**: Хонқиз МФЙ кичик саноат зонаси худудига лойиха асосида оқава сув тозалаш иншооти (ЛОС) қуриш ва оқава сув тармоқларини монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ, СЭО ва ЖС талабларига мос равища амалга оширилиши талаб этилади.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқа) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова

30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари **келишилмаган** хисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
бош мухандиси:**

И.Абдуллаев

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:**

С.Абдуллаев

